

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

35 (1561)-son
31-avgust
2022

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

АКТ ВАЗИРИ УРГАНЧДА ИТ-ПАРК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Хоразм вилоятига ташрифи давомида ИТ-Парк филиалига борди.

АКТ вазири ИТ-Паркда ёшлар ва ИТ соҳаси мутахассислари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Филиалда улар томонидан амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Шунингдек, Ш.Шерматов ИТ-Парк биносидан янги ташкил этилган ИТ академияси билан танишиб, ИТ-Парк ва унда фаолият юритаётган компанияларни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида ИТ-Парк резиденти сифатида рўйхатдан ўтган корхоналар сони 17тани ташкил этади. Мазкур ИТ-Паркда 9та резидент корхоналар жойлашган. Маҳаллий ИТ компанияларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида ИТ-Парк биносидан 150дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, ёшларни иш билан таъминланишига эришилди.

ДУНЁДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ (ТОП-10)

(Тераватт/соат ҳисобида, 2021 йил)

1. Хитой – 8 534,3
2. АҚШ – 4 406,4
3. Ҳиндистон – 1 714,8
4. Россия – 1 157,1
5. Япония – 1 019,7
6. Бразилия – 654,4
7. Канада – 641,0
8. Жанубий Корея – 600,4
9. Германия – 584,5
10. Франция – 547,2



Манба: British Petroleum



ЁШЛАР ВА ИТ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ ЁШЛАР ВА ИТ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ.

Учрашув Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари паркиннинг янги қурилган биноларида бўлиб ўтди.

Мулоқотдан асосий мақсад — ёшларнинг фикрини тинглаш, улар томонидан кўтарилган масалаларнинг ечимини топиш ҳамда давлатимиз томонидан ИТ соҳасида айнан ёшлар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларни етказиш эди.

Маълумки, 29 июл куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида жойлашган "Astrum" ИТ-академиясига ташриф буюриб, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари, ёш дастурчилар, ИТ ва коммуникация

компанияларининг раҳбарлари ва ходимлари билан учрашганди. Ўшанда мамлакатимиз ИТ секторидоги ишларнинг бугунги аҳволи ва уни янада ривожлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан фикр алмашилган эди.

Вазирнинг мулоқоти давомида ҳозирда ИТ соҳаси дунё иқтисодидетининг асосий драйверларидан бирига айланиб, барча соҳаларнинг барқарор ўсишига хизмат қилиб келаётгани таъкидланди.

Очиқ мулоқотда умумий мукофот жамғармаси 1 миллион АҚШ долларига тенг Президент соврини учун танловни ўтказиш жараёнлари қандай ташкил этилиши кераклиги ёшлар билан муҳокама қилинди. Бун-

дан ташқари, ёшларнинг стартап лойиҳаларини амалга ошириш, ИТ соҳаси ривожини учун нималар қилиш кераклиги кун тартибидан ўрин олди.

Ёшлар ва ИТ мутахассисларга мазкур йўналишда экспорт билан шуғулланиш, қандай қилиб улар Ўзбекистонни минтақавий ИТ марказга айлантиришга ҳисса қўишлари мумкинлиги ҳақида таклифлар берилди.

Вазир ёшларнинг фикрлари билан ҳам қизиқди. Улар билан доимий мулоқот қилиб, қизиқтирадиган савол ва таклифларни интерактив шаклда АКТ вазирлигига юбориш учун платформа яратилиши белгиланди. Очиқ мулоқотлар доимий равишда ўтказилишига келишиб олинди.



Жумадан жумагача

Нукус шаҳрида 26 август куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг навбатдан ташқари ўттиз тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Сессияда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси Мурат Камаловни бетоблиги сабабли эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси лавозимига Аманбай Оринбаев сайланди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август куни Ўзбекистон миллий боғида амалга оширилган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари шу ерда нурунийлар, адабиёт ва санъат намоёндалари билан ҳам суҳбатлашди.

29 август куни Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Маросимга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ҳайкални очди. Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши пойдеворига капсула қўйди. Маросимда хоразмлик ёшуулилар, аёллар, ёшлар иштирок этди. Президентимиз улар билан мулоқот қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ, давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан кўплаб ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган қатта ҳиссаси учун бир гуруҳ чет эл фуқарolari “Дўстлик” ордени билан тақдирланганди. 30 август куни Кўксаройда мазкур мукофотларни топшириш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев йиғилганларни Мустақиллик байрами ва мукофотлар билан табриклаб, эзгу тилаклар билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни эрта тонда Шахидлар хотираси хибонига ташриф буюрди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар қатагон қурбонларини ёд этиш учун йиғилди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди. Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.

ПРЕЗИДЕНТ ИТ-ПАРКНИНГ ЯНГИ БИНОСИГА БОРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 август куни Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида қурилган янги биноларни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари мазкур мажмуа қурилишига 2019 йил 20 ноябрда тамал тоши қўйган, ўтган йили декабрда бунёдкорлик ишларини кўздан кечирган эди. Бугунги кунда 20, 22, 25 қаватли бинолар ва конференция зали қуриб битказилди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Сўнгги беш йилда соҳага 2 миллиард доллар, шу жумладан, 700 миллион доллар тўғрисида инвестициялар йўналтирилди. Барча ҳудудларда ИТ-Парклар очилиб, улар учун алоҳида солиқ режими жорий этилди. Бу орқали 14 минг нафар ёшлар юқори даромадли иш билан таъминланди. Шунингдек, соҳада ўзини ўзи банд қилган мутахассислар сони 43 минг нафарга етди.

Жорий йилнинг ўзида мамлакатимизда 134та янги, жумладан, 50та хорижий ИТ компания ташкил этилди, экспортёр корхоналар сони эса 2 баробарга ошди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки бу борада етакчи. У биринчи бўлиб

икки қаватли бинода очилган эди. Бугунги кунда осмонўпар, мухташам мажмуага айланди.

Ушбу ИТ-Паркнинг резидентлари, хизматлар тури ҳам кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг 6 ойида улар томонидан 53 миллион долларлик хизматлар экспорт қилинган. Йил якунигача бу кўрсаткич 100 миллион доллардан ошиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Алоқабанк” ва “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси биноларидаги шароитларни кириб кўрди. Уларнинг пастки қаватларида мижозларга хизмат кўрсатиш офиси жойлашган. Юқори қаватлар ИТ корхоналар учун мўлжалланган. Ертўла қисмида 3 минг автомобилга мўлжалланган 3 қаватли тураргоҳ ҳам бор.

ИТ-Паркда қурилиш 2 босқичда олиб борилмоқда. Бу ерда жами 17та иморат барпо этилади. Соҳадаги ташкилотлар, университет, коворкинг маркази ўзаро узвий фаолият олиб боради. Мажмуа ҳудудида хизмат уйлари, меҳмонхона, кафе ва ресторанлар, дўконлар, спорт майдони, дам олиш жойлари ҳам бўлади.



Учрашув

ХАЛҚАРО ИТ КОМПАНИЯЛАРИ БИЛАН ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 27 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида қурилган янги биноларнинг ҳолати билан яқиндан танишган эди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг янги қурилган биноларида халқаро ИТ компаниялар талабларига мос бўлган шароитлар тақдимотида қатнашиб, уларнинг раҳбарлари билан Ўзбекистонда АКТни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик истиқболлари ҳақида фикр алмашди.

Мазкур учрашувда “VEON Group”, “Huawei Technologies”, “EPAM Systems”, “Lesta Studio”, “Visa International”, “Global Optical Communication Co.”, “Toyota Tsusho Corporation”, “Tietoevry”, “VisionLab”, “Yandeks”, “Winncom”, “ISKRATEL”, “BS/2”, “ZTE Corporation” каби бир қатор йирик хорижий ИТ компаниялар ва Бангладеш – Америка халқаро университети вакиллари ИТ соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва тақдирлари билан иштирок этди.

Хозирда ИТ соҳаси дунё иқтисодиётининг асосий драйверларидан бирига айланиб, барча соҳаларнинг барқарор ўсишига хизмат қилиб келмоқда.

2017 йилдан буён айнан ИТ соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, стратегик муҳим қарорлар қабул қилинмоқда. Бунда ахборот технологиялари соҳаси субъектлари учун бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилди.

Хусусан, тегишли қарор билан ИТ-Парк ташкил этилган ва унинг резидентлари 2028 йилга қадар барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда ўз эҳтиёжлари учун техника олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинган.

“Хурматли Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан



Ўзбекистонни минтақавий ИТ марказга айлантириш вазифаси белгилаб берилган. Бунинг учун мамлакатимизда ИТ компаниялар ва уларнинг ходимларига қулай ва имтиёзли солиқ режими жорий этилган, инсон капиталини ривожлантириш ва ёшларни малакасини ошириш бўйича ИТ соҳасидаги олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат ўқув марказлари сони кун сайин ортиб бормоқда. ИТ учун етарли инфратузилма, жумладан, Зангиота туманида қурилган “Электрон ҳукумат” тизими маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш ягона маркази ва ИТ-Парк бинолари ишга туширилди. Бу эса сиз каби жаҳоннинг ИТ компаниялари вакиллари учун Ўзбекистонда ўз бўлимларини кенгайтириб, кўпроқ ёшларимизни халқаро лойиҳаларга жалб қилишга имкониятларни очади”, – деди Бош вазири А. Арипов мутахассислар билан мулоқот чоғида.

Хозирги кунда ИТ-Парк резидентлари сони 800тани ташкил этиб, улар томонидан экспорт қилинган ИТ хизматлар ҳажми 62 миллион долларга етказилди.

Экспорт қилинган ИТ хизматларнинг 85 фоизи АҚШга, қолгани эса Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Бирлашган Араб Амириликлари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларига тўғри келади.

ИТ соҳасида яратилаётган имтиёзлар ва қулайликлар натижасида Ўзбекистон Республикасига кириб кел-



ган хорижий компаниялар ва юқори малакали мутахассислар сони кескин ошиб бормоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўзида 50та йирик хорижий ИТ корхоналарнинг ваколатхоналари ташкил этилиб, минглаб хорижлик юқори малакали ИТ мутахассислар Ўзбекистон бозорига кириб келди.

Ҳозирги кунда уларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мисол учун, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ИТ-Парк томонидан хорижий компанияларга Ўзбекистонда ўз офиси ва филиалларини ташкил қилишда “Ягона дарча” тамойили асосида юридик ва консалтинг хизматларини кўрсатиш бўйича алоҳида дастур йўлга қўйилди.

Бунда, хорижий компанияларга Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ юридик шахс ташкил қилиш, уларнинг мутахассислари учун уй-жой топиш ва ИТ-Парк резиденти бўлиб, бир қатор имтиёз ва преференциялардан фойдаланишда тезкор ёрдам кўрсатилмоқда.

Мулоқот чоғида иштирок этган хорижий ИТ компаниялар раҳбарлари ва вакилларига мазкур йўналишда ҳамкорликни кенгайтириб, Ўзбекистонни минтақавий ИТ марказга айлантиришда ўз ҳиссасини қўшиш бўйича тақдирлар берилди.

Ўз навбатида, барча ИТ компаниялар ва мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазалари тингланди.



МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасининг юқори даражада юқалиши ҳамда равнақи йўлида фаолият юритаётган, соҳанинг ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келаётган вазирлик тизимида фаолият юритаётган акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбар ходимлари ва мутахассислари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг идоровий мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан:

“МОҲИР АЛОҚАЧИ” фахрий унвони билан

“Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали директорининг биринчи ўринбосари **Даврон Хаятович ДЖАБАРОВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Жиззах филиали директорининг биринчи ўринбосари **Евгения Аликовна ВЕРЕСОЧИНА**, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК бош директори **Мураджан Махмудович САБИРОВ**, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК Сирдарё вилоти Электромагнит мослашув хизмати 1-тоифали муҳандиси **Эркин Исақджанович МАСАЙТОВ**, “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази” ДУК директорининг биринчи ўринбосари в.б. **Шерзод Бахтиёрвич МЕЛИБОЕВ**.

“ФАХРИЙ ЁРЛИҚ” билан

“Ўзбектелеком” АК корпоратив муносабатлар ва инвестиция портфелини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Сардор Кадамбоевич ОЛЛАБЕРГАНОВ**, “Ўзбектелеком” АК персонал билан ишлаш бошқармаси бошлиғи **Мансур Жўрабаевич ШАЙМАТОВ**, “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоқларини эксплуатация қилиш бошқармаси коммутация тармоғи ва сервис платформаларини эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи **Султонмаҳмуд Султонмуратович СИДИҚОВ**, “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали станциялараро алоқа боғламаси бошлиғи **Жаҳонгир Гапурджанович НАЗАРОВ**, “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва эксплуатация бўлими 2-тоифали муҳандиси **Дилором Расуловна БАРАКАЕВА**, “Ўзбектелеком” АК “O‘zMobiayl” филиали Қорақалпоқ ҳудудий соғламаси бошлиғи **Ихтияр Сиргабаевич САЙМАНОВ**, “Ўзбектелеком” АК Сирдарё филиали Сайхунбод туман ТВ бошлиғи **Ўткир Абдираходович МИРЗАЛИЕВ**, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Эллиқалъа туман ТВ олий тоифали муҳандиси **Рейимбай Абдуллаевич РАДЖАПОВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Ғузор ПАБ марказий бўлими бошлиғи **Тамара Худайбердиевна НОРҚУЛОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Наманган филиали иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўлими бошлиғи **Абдурасул Махаматжанович МАНСУРОВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Тошкент филиали почта алоқасини ташкил этиш бўлими бошлиғи **Шоҳиста Махаматжоновна РАЗАҚОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Бухоро филиали Жондор туман ПАБ бошлиғи **Маҳсуд Қўлдашович ЮЛДАШОВ**, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Самарқанд филиали директори **Зайниндин Абдувалиевич ҚАРШИЕВ**, ТАТУ “Тизимли ва амалий дастурлаштириш” кафедраси мудири **Комил Фикратович КЕРИМОВ**, АТ “Алоқабанк” Миробод ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш маркази “Atlas” комплекс хизмат кўрсатиш маркази директори **Искандар Умаржонович ТУРСУНОВ**, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Сурхондарё радиотелеузастиш маркази техник эксплуатацияни таъминлаш хизмати 1-тоифали муҳандиси **Файзулла Хўжакулович ДАВРОНОВ**, “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари тех-

нологик парки дирекцияси” МЧЖ рақамли трансформация бўлими бошлиғи **Анастасия Михайловна ФИЛИППОВА**, “Республика Махсус алоқа боғламаси” ДУК бош бухгалтери **Наргиза Руслановна КАРИМОВА**, “ALSKOM” СК АЖ бош директори ўринбосари **Зоҳидбек Исмаилжанович РАҲИМОВ**, АКТ вазирлиги телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи **Мураджан Шавкатович ЮЛДАШЕВ**, АКТ вазирлиги электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи **Анвар Рустамович МАНСУРОВ**, АКТ вазирлиги Самарқанд вилоти ҳудудий бошқармаси бошлиғи **Дилмурод Эркинович ХЎЖАМБЕРДИЕВ**, “UNICON.UZ” – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” ДУК телекоммуникация техник воситаларини сертифицирлаштириш синон маркази бошлиғи **Дониёр Аткамович САФАРОВ**, “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ назорат ва ижро интизоми бўлими бошлиғи **Албина Мировна АХМЕТОВА**, Тошкент шаҳридаги ИНХА университети халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи **Шаҳзода Баҳодировна ДЖАЛАЛОВА**, “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ директори ўринбосари **Азизбек Иброҳимович ХУДАЕВ**, Тошкент шаҳридаги Амита университети маркетинг бўлими менежери **Камола Мурот қизи МЕЛИЕВА**, “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази” ДМ техник синонвуд ўтказиш ва монтаж гуруҳи бошлиғи **Хамидулла Файзуллаевич ТАХИРОВ**, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий тадқиқот институти дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш департаменти бошлиғи **Азизбек Бисенбай-ули БИИМБЕТОВ**, “Universal Mobile Systems” МЧЖ сотувлар ва маркетинг блоки ҳамкорлар билан ишлаш департаменти директори **Собит Кабилджанович РИХСИМБАЕВ**, “Unitel” МЧЖ коммутация тизимларини ишлатиш бўйича эксперт **Иля Владимирович ТОБОЛЧИК**, “Coscom” МЧЖ хизмат кўрсатиш бўйича раҳбари **Лариса Виталевна БОЛДИРЕВА**, “Humans” МЧЖ ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи **Акром Ғайратович АХМЕДОВ**.

“ЎЗ КАСБИНИГ УСТАСИ” белгиси билан

“Ўзбектелеком” АК бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бошқармаси бош бухгалтери **Азизжон Шарифжанович АХУНБАЕВ**, “Ўзбектелеком” АК халқаро ҳамкорлик ва алоқа операторлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи в.в.б. **Боҳодир Бахтиёр ўғли НОСИРОВ**, “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали Шофиркон туман ТВ селектор алоқаси бўйича муҳандиси **Субҳон Худойқулович ОСТОНОВ**, “Ўзбектелеком” АК Наманган филиали Наманган ТВ 234-ЭАТС 1-тоифали муҳандиси **Наим Абдуллаевич ДЕДАБАЕВ**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Андижон филиали Қўрғонтепа туманлараро ПАБ “Султонобод” алоқа бўлими бошлиғи **Мадинахон Мамасодиқовна ЭРҒАШЕВА**, “Ўзбекистон почтаси” АК Сирдарё филиали почта айрибошлаш участкаси бошлиғи **Лолaxon Тўхтасиновна АЗИЗОВА**, “Ўзбекистон почтаси” АЖ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар департаменти бошлиғи-бош бухгалтер **Юсупбой Эргашевич ЮСУПОВ**, “Ўзбекистон почтаси” АК Қорақалпоғистон филиали

Тўртқўл ПАБ буна бўлими оператори **Гузал Ачиловна МАДРАИМОВА**, ТАТУ Самарқанд филиали “Ахборот технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси **Дилафруз Абдуманоновна ФАТТАЕВА**, АТ “Алоқабанк” Қўқон ҳудудий комплекс хизмат кўрсатиш маркази директори **Шерзод Муҳаммаджонович МАДУМАРОВ**, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Навоий радиотелеузастиш маркази Лангар радиотелевизион станцияси 1-тоифали муҳандиси **Абдулла Шомуратович НИЯЗОВ**, “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ Наманган вилоти филиали лойиҳа бўйича менежери **Шерзод Жўрахонович ТУРСУНОВ**, “Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК ҳукумат тадбирларига хизмат кўрсатиш, овоз кучайтириш ва синхрон таржима билан таъминлаш бўлими 1-тоифали алоқа муҳандиси **Рустам Туйчиевич РАҲМАНОВ**, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК ҳаракатдаги радиоалоқа бўлими бошлиғи **Уйғун Утқирович НИШОНОВ**, “ALSKOM” СК АЖ моддий техника таъминоти бўлими мудири **Артик Хамиджанович РАСУЛОВ**, Давлат фелдгерлик хизмати фелдалоқа катта офицери **Мадад Шуқурович АДИЛОВ**, АКТ вазирлиги почта алоқаси хизматлари ва логистикасини ривожлантириш бўлими бошлиғи **Мирза Нурметович МАТЯКУБОВ**, АКТ вазирлиги ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Умида Сафарбаевна ДУСЧАНОВА**, АКТ вазирлиги инвестициялар, молия ва комплаенс назорати бошқармаси бошлиғи в.б. **Дамир Ўткирович БОЛТАЕВ**, “UNICON.UZ” – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” ДУК ихтисослашган ишлаб чиқариш департаменти илмий-тажрибавий конструкторлик ишлари бўлими етакчи муҳандиси **Ақбар Муродуллаевич ОРТИҚБОЕВ**, “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Сарвар Олим ўғли АСАДОВ**, “UzDigital TV” МЧЖ техник ривожлантириш бўлими бошлиғи **Зухриддин Заирович РАШИТОВ**, “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази” ДУК ахборот хавфсизлиги хизмати Фродга қарши курашиш гуруҳи бошлиғи **Фурқат Фарукович АТАБАЕВ**, “Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДМ бино ва иншоотлар эксплуатация-хўжалик фаолияти бўлими бош мутахассиси **Биродар Қувандиқович ЙЎЛДОШЕВ**, “Алоқалойиҳа” ДУК фойдаланиш ва хўжалик бўлими 3-тоифали ҳайдовчиси **Собир Мирзараимович ЮНУСОВ**, “BePro-Dasturchilar markazi” МЧЖ бош директори ўринбосари **Бахтиёр Мамарасулович АБДУРАСУЛОВ**, “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” ДМ директори ўринбосари **Зухриддин Зокирходжаевич ШАДМАНОВ**, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши енгил автомашина ҳайдовчиси **Шуқуррило Хобибуллаевич УБАЕВ**, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси директор ўринбосари **Муқаддас Абдуллаевна МИРҲАМИДОВА**лар тақдирландилар.

Мукофотлар қўтлуғ бўлсин!



**“O‘ZBEKTELEKOM” AK
QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASI
FILIALI JAMOASI**


Axborot-texnologiyalari va
kommunikatsiyalari
sohasi xodimlarini

ISTIQLOL TANTANASI
bilan tabriklaydi.



**“O‘ZBEKTELEKOM” AK
TOSHKENT FILIALI**
jamoasi

Eng ulug‘, eng aziz
bayram bo‘lmish
O‘zbekistonimizning
Mustaqillik kuni
bilan siz azizlarni
chin qalbdan
muborakbod etadi.



ҚОИДАБУЗИЛИШИГА ЖАВОБГАРЛИК БОР

Республикамиз ҳудудда радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг “Радиочастота спектри тўғрисида” ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида рухсат этиш ҳамда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида” ги 801-қарори шулар жумласидандир.

Ушбу қабул қилинган Қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда мустаҳкам замин бўлмоқда.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилганлиги, Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича Давлат инспекциясининг Сирдарё вилояти ҳудудий инспекцияси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар томонидан қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш ва улар фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Сирдарё вилоятида тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда ҳар ойда тадбирлар ўтказилиши ҳамда беvosита жойларга чиқиб, сайёр қабуллар, семинарлар ташкил этилиб юридик ва жисмоний шахсларга кенг тушунчалар бериб келинмоқда.

Лекин, олиб борилган тадбирларга қарамадан радиоэлектрон воситалардан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Жумладан, Сирдарё вилояти электромагнит мослашув хизмати билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида “International petroleum” МЧЖ ҳамда “Uchrashuv” кафеси “Baofeng” радиоэлектрон воситасидан махсус рухсатномасиз фойдаланганлиги аниқланди.

Мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан “International petroleum” МЧЖ ҳамда “Uchrashuv” кафеси радиоэлектрон воситасидан фойдаланишга тегишли рухсатнома расмийлаштирилгунга қадар фойдаланиш тақиқланди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Радиочастота спектри тўғрисида” ги Қонунининг 14-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 801-қарори билан қабул қилинган “Радиоэлектрон воситаларни сотиб олиш ва (ёки) ўрнатиш, хориждан олиб кириш, эксплуатация қилишга рухсат этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги Низом”



талабларига риоя қилмаганлиги сабабли “International petroleum” МЧЖ ҳамда “Uchrashuv” кафесининг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” ги Кодексининг 152-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатининг дастлабки иш материаллари Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” ги Кодексининг 245-моддасига мувофиқ суд органига кўриб чиқиш учун юборилди.


Сирдарё вилояти ҳудудий инспекцияси жисмоний ва юридик шахслардан радиоэлектрон восита-

лардан фойдаланишда ваколатли органлардан тегишли рухсатномалар олишларини, рухсатномасиз радиоэлектрон воситалардан фойдаланмасликларини, акс ҳолда қоидабузилиши маъмурий жавобгарликка олиб келиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиради.

М.АВЕЗОВА,
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Сирдарё вилояти ҳудудий инспекцияси катта инспектори



ПОД ТАШКЕНТОМ ЗАПУЩЕН ДАТА-ЦЕНТР «ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА»



Шавкат Мирзиёев посетил новый дата-центр системы «Электронное правительство» в Ташкентской области, передаёт пресс-служба главы государства.

Центр хранения и обработки данных в Зангиатинском районе включает 580 серверов, установленных с китайской Huawei. Их общая ёмкость составляет 20 петабайт — это первая в Узбекистане система настолько высокой производительности.

Здание центра построено по всем международным стандартам. В нём установлены современные системы охлаждения и пожарной безопасности. Непрерывную работу системы обеспечивают дизель-генераторы суммарной мощностью 5 МВт.

Uptime Institute присвоила центру сертификат 3-го класса (Tier III), что означает высокую устойчивость к сбоям и возможность обслуживания без

прекращения работы. Также система защищена от кибератак.

Президент назвал новый центр «сердцем цифровизации» и «фундаментом электронного правительства». Отмечается, что он позволит госорганам сэкономить миллиарды на хранении данных, а также повысит качество госуслуг для граждан и бизнеса.

Работа по созданию платформы «электронного правительства» ведётся несколько лет. С декабря 2018 года её курирует НАПУ (сейчас НАПП). В 2019 году было анонсировано строительство дата-центра на основе опыта Южной Кореи.

Единая платформа портала правительства должна заработать с начала 2023 года. Согласно постановлению президента, на ней поэтапно разместят официальные сайты и ресурсы госорганов.

EAST TELECOM ПРОВОДИТ КОНКУРС НА СОЗДАНИЕ БРЕНДА

East Telecom объявил о начале масштабного конкурса «Придумай бренд для интернет-бизнеса». Компания подарит первоклассные призы участникам с хорошей фантазией и креативностью.

Суть конкурса состоит в создании яркого, интересного названия нового бренда для интернет-бизнеса. В конкурсе, который пройдет с 25 августа по 16 сентября, могут принять участие все жители Узбекистана. Участники должны указать название бренда и его значение. Бренд может быть предложен на любом языке, если он имеет хороший смысл и намерение.

В розыгрыше будет четыре победителя. Главный приз — Apple MacBook Pro M2. Занявшие три дополнительных призовых места получают iPad 9.

Компания проведет внутреннее голосование по выбору 20 кандидатов. В публичном голосовании примет участие общественность, чтобы составить рейтинг из 20 кандидатов в период с 22 по 30 сентября.

В финале руководство выберет победителя и лауреатов трех дополнительных призовых мест в соответствии с названием бренда, значением, намерением и его рейтингом.

Результаты будут объявлены 7 октября.

БИЛЕТЫ НА РЕЙСЫ UZBEKISTAN AIRWAYS МОЖНО ПЕРЕБРОНИРОВАТЬ ОНЛАЙН

Uzbekistan Airways запустила перебронирование билетов на более позднюю дату онлайн. Об этом сообщила пресс-служба авиаперевозчика.

Функция доступна на под сайте по бронированию book.uzairways.com. Чтобы воспользоваться ею, нужно войти на подсайт (например, выбрав «Купить билет» в меню «Покупка и управление» на главной) и зайти в раздел «Дополнительный сервис» в верхнем меню.

Новый авиабилет будет отправлен пассажиру по указанному им электронному адресу.

Кроме того, билеты всё ещё можно перебронировать в филиале Uzbekistan Airways Sales или у агентов авиакомпании.



ЗАРАБОТАЛ ПОРТАЛ «ЮРИДИЧЕСКОГО САМООБСЛУЖИВАНИЯ» ОТ МИНЮСТА

Минюст запустил новый сервис для «юридического самообслуживания» (LegalTech). Об этом пишет пресс-служба министерства.

Сервис находится по адресу yurixizmat.uz. На портале доступны более 800 образцов договоров, обращений, заявлений и других юридических документов — как корпоративных, так и для физических лиц. Все документы можно заполнить нужными данными онлайн.

Благодаря сервису граждане и предприниматели смогут подготавливать необходимые документы без участия юристов и адвокатов. Все образцы на сайте доступны бесплатно.

Например, на портале yurixizmat.uz доступны образцы следующих документов:

- подрядный договор на капитальное строительство;
- договор о подготовке проектно-сметной документации;
- договор об аренде нежилого помещения;
- договор об оптовой покупке электроэнергии;
- договор о перевозке грузов;
- договор о поручительстве по кредиту и т. д.

КАДАСТРОВОЕ АГЕНТСТВО БУДЕТ ВЕСТИ ЕДИНЫЙ РЕЕСТР ПРАВ НА НЕДВИЖИМОСТЬ

Шавкат Мирзиёев утвердил новый пакет мер по защите частной собственности и обеспечению её неприкосновенности.

Указом обозначается создание с 1 января 2023 года единой системы по ведению государственного реестра прав на объекты недвижимости. Она будет создана на основе Интеграционной информационной системы кадастра и регистрации (UZKAD).

В неё будут интегрированы другие информационные системы госорганов по ведению учёта недвижимости. Также будет налажен обмен данными с системой E-notarius, ЕРПО, Единым реестром налогоплательщиков, реестрами лицензий и разрешений и т. д.

Оформление и регистрация сделок с недвижимостью будут проводиться исключительно на основе данных UZKAD. Государство гарантирует достоверность сведений в системе Кадастрового агентства.

Также через UZKAD госорганы и коммерческие организации будут получать информацию о недвижимости граждан и бизнеса при расчёте налогов, оказании государственных, банковских, страховых и других массовых услуг. Истребование других сведений не допускается.

При обнаружении записи о регистрации прав на недвижимость, отсутствующей в UZKAD, сведения о ней будут внесены в систему без требования заявления. Переоформление будет проведено бесплатно, в течение 3 дней.

Записи в реестре недвижимости и история объекта будут открыты для публики (кроме личной информации и сведений, составляющих гостайну). Доступ к ним на платной основе будет предоставляться через ЕПИГУ.

Кадастровому агентству поручено разместить в UZKAD все сведения о правах на объекты недвижимости, зарегистрированных в бумажной форме или в других системах. Бумажные свидетельства о регистрации перестали оформлять в 2018 году, а с 2019 года заявление о регистрации принимаются онлайн.


ИТ-ПРАВО. КАКУЮ ИНФОРМАЦИЮ ОГРАНИЧИВАЕТСЯ ПОЛУЧАТЬ И РАСПРОСТРАНЯТЬ?

Вопрос: какую информацию ограничивается получать и распространять?

Ответ: согласно статье 29 Конституции Республики Узбекистан, каждый имеет право на свободу мысли, слова и убеждений. Каждый имеет право искать, получать и распространять любую информацию, за исключением направленной против существующего конституционного строя и других ограничений, предусмотренных законом.

Свобода мнений и их выражения может быть ограничена законом по мотивам государственной или иной тайны.



**ОЙГА ПАРВОЗ
БЕКОР ҚИЛИНДИ**

NASA агентлиги Ойга миссия (Artemis 1) доирасидаги Space Launch System (SLS) ракетасининг парвози бекор қилингани маълум қилди. Техник муаммолар сабабли ракета учирилмади, бу ҳақда Twitter орқали хабар берилди.

“Artemis 1 парвози бугундан қолдирилди, жамоа двигателдаги муаммолар билан шуғулланмоқда. Кейинги уринишлар ҳақида сизларни хабардор этамиз”, — дейлади хабарда.

10 йил тайёргарликдан сўнг NASA тарихидаги энг кучли — 98 метрли Space Launch System ракета 29 август куни маҳаллий вақт билан соат 8:30 да (Тошкент вақти билан соат 17:30 да) парвоз қилиши ва Ой орбитасига учта манекен жойланган “Орион” капсуласини етказиши лозим эди.

**iPhone 14 СУНЪИЙ
ЙЎЛДОШ БИЛАН ҲАМ
БОҒЛАНАДИ**

Apple компаниясининг навбатдаги смартфонлари (iPhone 14) ер қуйи орбитасидаги йўлдошлар билан боғланиб, уяли алоқа сигналлари йўқ жойларда қутқарув хизматларига кўнгирок қилиш ёки матнли хабар юбориш имконини беради.

Бу ҳақда TMF Associates таҳлилчиси Тим Фаррарга асосланиб MacRumors ёзмоқда. Фаррардаги маълумотларга кўра, айфон орқали йўлдошга боғланиш имконияти дунёнинг фақат айрим ҳудудларида мумкин бўлади.

Тахмин қилинишича, Apple ушбу функцияни Globalstar билан ҳамкорликда ишга туширади. Фойдаланувчи оператор билан алоҳида шартнома тузиши шарт эмас — хизмат бепул.

**ДУНЁДАГИ ИЛК
ВОДОРОДЛИ ПОЕЗДЛАР
GERMANYDA ЙЎЛГА
ҚЎЙИЛДИ**

Германиянинг Куйи Саксония федерал ерида дунёда биринчи бўлиб тўлиқ водородли поездлар ҳаракатланадиган темир йўл лойиҳаси амалга оширилди. CNN ёзишича, 24 август куни 5та Coradia iLint поездди йўналишга чиқди, йил охиригача уларнинг сони 14тага етказилиб, дизелда юрувчи поездларнинг ўрнини тўлиқ эгаллайди.

Водородли поездларнинг асосий афзаллиги — ҳавога зарарли чиқиндилар ажратмайди. Бундан ташқари, 1 килограмм водород ёнилғиси 4,5 килограмм дизел ёнилғисининг ўрнини босади. Энг юқори тезлиги — 140 км/соат.


Франциянинг Alstom компанияси ишлаб чиқарган Coradia iLint водородли поездлари шовқини пастлиги билан ҳам ажралиб туради. Лойиҳа қиймати — 93 млн евро. Бунинг ичида водородли ёнилғи қуйиш станцияси ҳам кирган.

**GOOGLE ҚИДИРУВ
ТИЗИМ ДИЗАЙНИНИ
ЯНГИЛАМОҚЧИ**

Google қидирув тизими кўринишини янгилашга қарор қилди. Компания аллақачон Google Chrome учун бета синовларини ўтказмоқда.

Энди “Расмлар”, “Видеолар”, “Янгиликлар” ва “Харидлар” ёрликлари ўрнига фойдаланувчиларга маълум бир сўров бўйича кенгайтирилган маслаҳатлар таклиф этилади. Улар қидирув панели остидаги одатий ёрликлар билан кесишади.

Қидирув категориясини танлаш ўрнига, янги дизайн яратилган рўйхатдаги сўровга керакли тегни қўишни таклиф қилади. Масалан, “смартфонлар” сўровида тизим қидирув панели остида нарх категорияси, бренд ва бозор қидируви билан маслаҳатларни кўрсатади. Ушбу ечим ҳам компютерда, ҳам смартфонлар учун талқинда мавжуд.



Qutlov!

Reklama va e'lonlar

TECHNOCORP

1-sentabr

Aziz vatandoshlar!
Sizlarni va yaqinlaringizni eng buyuk, eng aziz bayramimiz – O'zbekiston Respublikasi Mustaqilligining 31 yilligi ayyomi bilan samimiy muborakbod etamiz.

Mustaqil Vatanimizning tinchligi, gullab-yashnashi va ravnaqi yo'lida olib borayotgan ishlaringizda zafarlar yor bo'lsin!

Mustaqillik qadri boqiy, bayram shukuhi fayzli, istiqlolimiz abadiy bo'lsin!

TECHNOCORP.UZ TECHNOCORPUZ TECHNOCORPUZB TECHNOCORPUZ

**Халқаро ҳаёт****ПОКИСТОНДА СУВ ТОШҚИНЛАРИ
МИНГДАН ЗИЁД ОДАМНИНГ ЁСТИҒИНИ ҚУРИТДИ**

Покистонда давомли сув тошқинлари қурбонлари сони 1000 нафардан бошқармаси маълумот берди.

Шунингдек, 1527 киши жароҳатланган.

Муссон ёмғирлари олиб келган табиий офат туфайли мамлакат жануби-ғарбидagi Балужистон вилоятининг катта ҳудудлари сув остида қолмоқда. Покистон ҳукумати мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди.

**САЛКАМ БИР МИЛЛИОН
РОССИЯЛИК ЕИГА КЎЧИБ КЕТДИ**

Россия қўшини Украинага киритилган 24 февралдан буён Европа иттифоқи ҳудудига салкам бир миллион россиялик кетган. Бу ҳақда Германиянинг DPA агентлиги хабар берди.

24 февралдан 22 августга қадар ЕИ чегараларини 998 085 нафар РФ фуқароси кесиб ўтди, деди Европа чегара ва қирғоқ кўриқлаш агентлиги — Frontex вакили DPAга интервьюсида.

Сўнгги маълумотларга кўра, уруш бошланганидан буён Украинанинг 7,7 млн. нафар фуқароси ЕИга қочиб ўтган, шундан 4,7 млн. нафари Украинага қайтган.


ЕВРОПАНИНГ “БЕКОРЧИ” МАМЛАКАТЛАРИ

Герция (12,7 фоиз) ва Испания (13,3 фоиз)да Европа иттифоқидаги энг юқори ишчисизлик даражаси қайд этилди.

Ушбу мамлакатлар Европа иттифоқининг энг асосий “бекорчилари” деб таърифланди. Таъкидланишича, Грецияда ҳозир сайёҳлик мавсуми авжида, бироқ ишлайдиган одам етишмайди. Ҳолат аксарият греклар касбларини ўзгартириётгани билан изоҳланмоқда. Испанияда эса юқори малакали мухтаassisлар учун бўш иш ўринлари муаммо.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 188-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2022 йил 15 августда “Radioaloqa, radioeshittirish va televidenie markazi” ДУК томонидан 10 000,0 минг сўм, АТ “ALOQABANK” томонидан 200 000,0 минг сўм ҳомийлик пуллари келиб тушди. Мазкур маблағлар “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2022 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.



“O‘ZBEKTELEKOM” AK

NAVOIY FILIALI
jamoasi

*Aziz vatandoshlarimizni
O‘zbekiston Respublikasi
mustaqilligining 31 yillik shodiyonasi
bilan muborakbod etadi!*



“O‘ZBEKTELEKOM” AK

QASHQADARYO FILIALI
JAMOASI

**Go‘zal diyorumiz
aholisini**

MUSTAQILLIK BAYRAMI
bilan tabriklaydi.

“O‘ZBEKTELEKOM” AK

SAMARQAND FILIALI
jamoasi




**Mamlakatimiz aholisini
Istiqlolimizning
31 yillik bayrami
bilan qutlaydi.**



“O‘ZBEKTELEKOM” AK

BUXORO FILIALI
jamoasi

**Yurtdoshlarimizni
Vatanimiz mustaqilligining
31 yilligi bilan tabriklaydi.**





TOSHKENT SHAHRIDAGI INHA UNIVERSITETI
INHA UNIVERSITY IN TASHKENT

*Mustaqillik
bayramingiz
muborak bo'lsin!*

31



Xabar

MUASSIS

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Bosh muharrir:

Abdug'ani ABDURAHMONOV

Tahrir Hay'ati:

Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HAŞANOV,
Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV,
Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi.
Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi.
Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri,
Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy
(Mo'ljal Oloy bozori).
Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
Dizayner: Asliddin BO'RIYEV.
Navbatchi: Asliddin BO'RIYEV.

ISSN 2010-6424



Gazeta O'zbekiston matbuot va
axborot agentligi tomonidan
0016 raqami bilan 2013-yil
23-iyulda ro'yxatga olingan.

Gazeta
haftaning
juma kuni
chiqadi

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

Γ-859 sonli buyurtma.
Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi
2 bosma taboq. **Adadi:** 2990

ISSN 2010-6424

Bosishga topshirildi — 17 °°
Bosishga topshirish vaqti — 24 °°

Viloyat
muhbirlari:

Andijonda (74) 226-47-80 Buxoroda (99)854-7305 Jizzaxda (94) 199-95-64 Namanganda (91) 353-71-25 Navoiyda (79) 225-91-10 Nukusda 554-35-45 Samarqandda (91)557-84-44 Termizda (99)508-30-52 Toshkentda 234-18-59 Urganchda (97) 211-65-05 Farg'onada (73) 244-18-05 Qarshida (93)931-08-99